IQRO JURNALI , IQRO JOURNAL, ИКРО ЖУРНАЛИ
ISSN:2181-4341| wordlyknowledge.uz/index.php/iqro
Volume 24. Issue 01. Oktabr, 2026

СУД ҲОКИМИЯТИ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯ ХАВФЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ: ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Шинибаэва Умида Алиэвна
"Турон Лоwерс" адвокатлик фирмаси адвокати
https://doi.org/10.5281/zenodo.23118768

Аннотация

Мазкур мақолада суд ҳокимияти тизимида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва барвақт бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмлари таҳлил қилинган. Тадқиқотда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, Бангалор судьялар одоби принциплари, БМТнинг суд ҳалоллигига оид ёндашувлари, Европа Кенгаши ва GRECO амалиёти ҳамда Коста-Рика суд тизимидаги комплаенс механизмлари ўрганилган. Ўзбекистонда коррупция хавфларини баҳолаш, хавфлар харитасини шакллантириш ва «Одил судлов–2030» стратегияси доирасида белгиланган вазифалар таҳлил этилган. Натижада суд ҳокимияти учун коррупция хавфи индекси, хавфлар харитаси, комплаенс-мониторинг ва қайта баҳолашга асосланган махсус превентив ҳуқуқий механизмни жорий этиш бўйича илмий-амалий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: суд ҳокимияти, коррупция, коррупциявий хавф-хатар, коррупция хавфларини баҳолаш, судьялар одоби, суд ҳалоллиги, комплаенс, манфаатлар тўқнашуви, коррупция хавфлари харитаси, коррупция профилактикаси, Бангалор принциплари, ҳуқуқий механизм.

В статье исследуются правовые механизмы выявления, оценки и раннего предупреждения коррупционных рисков в системе судебной власти. Проанализированы положения Конвенции ООН против коррупции, Бангалорских принципов поведения судей, подходы ООН к обеспечению добросовестности судебной системы, практика Совета Европы и GRECO, а также механизмы комплаенса и управления коррупционными рисками, применяемые в судебной системе Коста-Рики. Особое внимание уделено развитию правовых механизмов оценки коррупционных рисков в Узбекистане, формированию карт коррупционных рисков и задачам, предусмотренным Стратегией «Правосудие–2030». На основе проведённого анализа предлагается специализированная модель оценки коррупционных рисков в судебной системе, включающая индекс коррупционного риска, карту рисков, комплаенс-мониторинг и периодическую переоценку рисков. Сформулированы научно-практические предложения по совершенствованию превентивных правовых механизмов противодействия коррупции с учётом необходимости обеспечения независимости и беспристрастности судей.

Ключевые слова: судебная власть, коррупция, коррупционные риски, оценка коррупционных рисков, этика судей, добросовестность в судебной системе, комплаенс, конфликт интересов, карта коррупционных рисков, профилактика коррупции, Бангалорские принципы, правовой механизм.

This article examines the legal mechanisms for identifying, assessing, and preventing corruption risks within the judicial system. It analyzes the United Nations Convention against Corruption, the Bangalore Principles of Judicial Conduct, UN approaches to judicial integrity, the practices of the Council of Europe and GRECO, as well as compliance and corruption risk management mechanisms implemented in the judicial system of Costa Rica. Particular attention is paid to the development of legal mechanisms for corruption risk assessment in Uzbekistan, the establishment of corruption risk maps, and the objectives set out in the "Justice–2030" Strategy. Based on the analysis, the article proposes a specialized model for assessing corruption risks in the judiciary, incorporating a corruption risk index, risk mapping, compliance monitoring, and periodic reassessment. The study formulates scientific and practical proposals for improving preventive legal mechanisms for combating corruption while ensuring judicial independence and impartiality.

Keywords: judiciary, corruption, corruption risks, corruption risk assessment, judicial ethics, judicial integrity, compliance, conflict of interest, corruption risk map, corruption prevention, Bangalore Principles, legal mechanism.

Суд ҳокимияти давлат ҳокимияти тизимида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқий низоларни холис ҳал этишнинг институционал кафолати ҳисобланади.[1] Шу сабабли суд тизимида коррупциявий хавфларнинг мавжудлиги нафақат алоҳида мансабдор шахснинг ҳуқуқбузарлиги, балки одил судловнинг сифати, суд ҳокимиятига бўлган жамоат ишончи ва ҳуқуқ устуворлигига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган институционал омил сифатида баҳоланиши лозим.

Суд ҳокимиятида коррупцияга қарши курашиш масаласида анъанавий ёндашув асосан содир этилган ҳуқуқбузарликни аниқлаш, айбдор шахсни жавобгарликка тортиш ва етказилган зарарни бартараф этишга қаратилган. Бироқ замонавий коррупцияга қарши сиёсатда коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилганидан кейинги реакция билан бир қаторда, унга олиб келиши мумкин бўлган хавф омилларини олдиндан аниқлаш, баҳолаш ва минималлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айниқса, суд ҳокимиятига нисбатан мазкур ёндашувни қўллаш ўзига хос хусусиятга эга. Чунки коррупция хавфларини камайтириш мақсадида ташкил этиладиган назорат механизмлари судьянинг процессуал мустақиллиги ва қарор қабул қилиш эркинлигига дахл қилмаслиги керак. Демак, суд ҳокимиятида коррупция хавфларини бошқаришнинг ҳуқуқий механизми бир вақтнинг ўзида икки мақсадни — коррупциянинг олдини олиш ва судья мустақиллигини ҳимоя қилишни таъминлаши лозим.

Ўзбекистонда мазкур масала янги босқичга кўтарилмоқда. 2026 йил 14 августда қабул қилинган «Одил судлов–2030» стратегияси судьялар ва суд аппарати ходимлари фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва бартараф этиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупциянинг бошқа кўринишларига қарши замонавий ва самарали тизимни жорий этишни назарда тутади.[2]

---

[1] 1 Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ–703-сон «Судлар тўғрисида»ги Қонуни

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 14 августдаги ПФ–160-сон «"Одил судлов–2030": Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилувчи халқчил ва адолатли суд тизимини барпо этиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони. https://lex.uz/ru/docs/

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш ҳамда коррупция хавф-хатарлари харитасини шакллантиришга қаратилган ҳуқуқий механизмлар мустаҳкамланмоқда.

Мазкур ҳолат суд ҳокимиятида коррупция хавфларини баҳолашнинг махсус ҳуқуқий моделини ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради.

Коррупцияга қарши замонавий ёндашувда «коррупция» ва «коррупция хавфи» тушунчаларини бир-биридан фарқлаш муҳим. Коррупция содир этилган ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ бўлса, коррупциявий хавф муайян ҳуқуқий, ташкилий ёки бошқарув шароитларининг коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимолини ошириши билан ифодаланади. Шундан келиб чиқиб, коррупциявий хавфни шартли равишда қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин:

Коррупция хавфи = эҳтимоллик × таъсир даражаси.

Бироқ суд ҳокимияти учун ушбу формула етарли эмас. Чунки суд фаолиятида коррупция хавфи нафақат ҳуқуқбузарлик эҳтимоли, балки қарор қабул қилишнинг мустақиллиги, манфаатлар тўқнашуви, ишларни тақсимлаш, кадрлар танлови, суд аппаратининг маъмурий функциялари ва ташқи таъсирлар билан ҳам боғлиқ. Шу сабабли суд ҳокимияти учун коррупция хавфини баҳолашда қуйидаги мезонларни биргаликда ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

-коррупциявий хавфнинг эҳтимоллик даражаси;

-хавф рўй берганда унинг ҳуқуқий ва институционал таъсири;

-манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли;

-қарор қабул қилишда дискрецион ваколат даражаси;

-ички назорат механизмларининг мавжудлиги;

-шаффофлик ва рақамлаштириш даражаси;

-хавфни аниқлаш ва бартараф этиш имконияти.

Бундай ёндашув коррупцияга қарши курашни жазолаш механизми доирасидан чиқариб, уни хавфларни бошқариш тизими сифатида кўриш имконини беради.

Суд ҳокимиятида коррупциянинг олдини олиш соҳасида халқаро стандартларнинг энг муҳим манбаларидан бири БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси ҳисобланади. Унинг 11-моддаси суд ҳокимияти ва прокуратуранинг ҳалоллиги, мустақиллиги ва коррупциядан ҳимоя қилинишига алоҳида эътибор қаратади. UNODC ушбу нормани амалга оширишда судьяларни танлаш, тайинлаш, хизмат фаолияти, интизомий жавобгарлик, судьяларнинг одоб-ахлоқи ва институционал мустақиллиги каби масалаларни комплекс баҳолашни тавсия қилади.

Бангалор судьялар одоби принципларида суд фаолиятининг олтита асосий қадрияти белгиланган: мустақиллик, холислик, ҳалоллик, муносиб хулқ-атвор, тенглик, компетентлик ва виждонлилик. Мазкур принципларнинг аҳамияти шундаки, улар коррупцияга қарши курашни фақат жазо чоралари билан эмас, балки судьянинг профессионал ва ахлоқий хулқ-атвор стандартлари билан боғлайди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда коррупция хавфларини баҳолаш тизими судьялар одоби стандартлари билан интеграциялаштирилиши мумкин.

Халқаро амалиётда суд ҳокимиятида коррупция хавфларини бошқаришга яқин механизмлардан бири Коста-Рика суд тизимида шаклланган. 2019 йилда Коста-Рика суд тизимида коррупциявий хавфлар, ташкилий фирибгарлик ва уюшган жиноятчиликнинг суд тизимига таъсири билан боғлиқ хавфларни ички ва техник жиҳатдан бошқариш вазифаси юклатилган Compliance Office ташкил этилган.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқаришга оид махсус тартиб жорий этилган. Суд ходимларига ўзларининг хусусий манфаатларини ошкор қилиш ва уларнинг хизмат вазифаларига таъсирини бошқариш мажбурияти юкланган. Эътиборли жиҳати шундаки, Коста-Рика тажрибасида коррупция хавфларини баҳолаш алоҳида ҳуқуқий-ташкилий жараён сифатида қаралади. Хавфлар махсус методология асосида баҳоланади, муҳим жараёнлар бўйича хавфлар каталоглари шакллантирилади ва уларнинг ижроси мониторинг қилинади. Бу тажриба Ўзбекистон учун муҳим хулоса беради: суд тизимида комплаенс фақат коррупция ҳақида мурожаатларни қабул қилувчи орган эмас, балки коррупция хавфларини олдиндан аниқлайдиган ва уларни бошқарадиган институционал механизм бўлиши керак.

Европа Кенгашининг GRECO механизми судьялар ва прокурорлар ҳалоллигини таъминлаш масалаларини коррупцияга қарши мониторингнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида кўради. GRECO тавсиялари судьялар фаолиятида шаффофлик, манфаатлар тўқнашуви, ахлоқ кодекслари, интизомий механизмлар ва ҳисобдорлик масалаларини қамраб олади.

Европа суд тизимларини баҳолашда эса CEPEJ суд тизимлари фаолиятини маълумотлар асосида баҳолаш ва қиёсий кўрсаткичлардан фойдаланишга катта аҳамият беради. 2026 йилги CEPEJ циклида ҳам суд тизимларини баҳолаш, суд статистикаси ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича маълумотлардан фойдаланиш давом этмоқда.

Бу ёндашувдан келиб чиқиб, судларда коррупция хавфларини баҳолашни субъектив хулосага эмас, балки верификация қилинадиган маълумотлар тизимига асослаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон қонунчилигида коррупция хавфларини аниқлаш ва баҳолаш институти ривожланмоқда. Коррупция хавфларини аниқлаш ва баҳолаш методикасини тасдиқлаш ваколати белгиланган ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар кесимида коррупция хавфлари харитасини шакллантириш назарда тутилган.[3]

Шу билан бирга, суд ҳокимиятининг ўзига хос ҳуқуқий мақоми мазкур умумий механизмни тўғридан-тўғри қўллашда бир қатор саволларни келтириб чиқаради.

Биринчи муаммо — умумий коррупция хавфларини баҳолаш методикаси билан судьялик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ўртасидаги нисбат.

Иккинчи муаммо — коррупция хавфини баҳолаш ва судьянинг мустақиллиги ўртасидаги мувозанат.

[3] Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни https://lex.uz/docs

Учинчи муаммо — хавфлар харитасининг ҳуқуқий оқибатлари. Яъни харитага киритилган юқори хавфли жараён бўйича қандай мажбурий профилактик чора қўлланиши аниқ ҳуқуқий механизм билан таъминланиши лозим.

Тўртинчи муаммо — хавфни баҳолаш натижаларининг амалий мониторинг билан боғланиши. Агар хавф аниқланса-ю, уни бартараф этиш бўйича масъул субъект, муддат ва натижа мезони белгиланмаса, хавфлар харитаси формал ҳужжатга айланиб қолиши мумкин.

Бешинчи муаммо — рақамли маълумотлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий чегаралари. Суд тизимида катта ҳажмдаги статистик ва маъмурий маълумотлар мавжуд бўлса-да, уларни коррупция хавфини прогноз қилиш мақсадида қайта ишлашда шахсий маълумотлар, судья мустақиллиги ва ахборот хавфсизлиги талаблари ҳисобга олиниши керак.

Суд тизими учун шартли Коррупция хавфи индекси (KHI)ни ишлаб чиқиш мумкин.

Индекс қуйидаги кўрсаткичлардан ташкил топиши таклиф этилади:

- **E** — коррупциявий хавф юзага келиш эҳтимоли;
- **I** — хавфнинг таъсир даражаси;
- **D** — дискрецион ваколат даражаси;
- **C** — манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли;
- **K** — мавжуд ички назорат механизмларининг самарадорлиги.

Ушбу формула ҳозирча илмий-методологик таклиф сифатида қаралади. Уни амалиётга жорий этишдан олдин эмпирик маълумотлар асосида апробация қилиш, мезонларни статистик жиҳатдан асослаш ва судья мустақиллигига таъсир қилмаслигини таъминлаш талаб этилади.

Олиб борилган тадқиқот натижалари суд ҳокимияти тизимида коррупцияга қарши курашишни фақат коррупциявий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва содир этилган қилмиш учун жавобгарликни қўллаш билан чеклаб қўйиш етарли эмаслигини кўрсатади. Замонавий коррупция профилактикаси суд фаолиятида коррупциявий хавфларни олдиндан аниқлаш, уларнинг эҳтимолий таъсирини баҳолаш, хавфларни бошқариш ва мунтазам қайта баҳолаб боришга асосланган превентив ҳуқуқий механизмни шакллантиришни тақозо этади. Бунда мазкур механизм судьяларнинг процессуал мустақиллиги, холислиги ва қарор қабул қилиш эркинлигига дахл қилмаслиги унинг асосий ҳуқуқий шарти сифатида намоён бўлади.

Халқаро тажриба таҳлили суд ҳокимиятида коррупция хавфларини бошқаришнинг ягона универсал модели мавжуд эмаслигини, бироқ турли ҳуқуқий тизимларда умумий ёндашувлар шаклланганини кўрсатди. Хусусан, БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияси, Бангалор судьялар одоби принциплари, Европа Кенгаши ва GRECO ёндашувлари суд ҳалоллиги, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, судьялар одоб-ахлоқи, шаффофлик, ҳисобдорлик ва институционал мустақилликни ўзаро боғлиқ элементлар сифатида кўради. Коста-Рика суд тизимидаги комплаенс амалиёти эса коррупция хавфларини махсус методология асосида идентификация қилиш, хавфлар каталогини шакллантириш ва уларни мониторинг қилишни институционал даражага олиб чиқиш имкониятини намоён этади. Мазкур тажрибалар Ўзбекистон шароитига тўлиқ

кўчирилиши эмас, балки миллий ҳуқуқий тизимнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда адаптация қилиниши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги ЎРҚ–419-сон «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Одил судлов–2030» стратегиясига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги ЎРҚ–703-сон «Судлар тўғрисида»ги Қонуни
5. Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни.
6. United Nations. United Nations Convention against Corruption. – New York: United Nations, 2004.
7. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). Legislative Guide for the Implementation of the United Nations Convention against Corruption. – 2nd revised ed. – Vienna: United Nations, 2012.
8. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). The Bangalore Principles of Judicial Conduct. – Vienna: United Nations, 2002.
9. Council of Europe. Group of States against Corruption (GRECO): Evaluation Rounds and Reports. – Strasbourg: Council of Europe.